



ЎАН ВА ТУРМУШ

2/97

# ЎАН ВА ТУРМУШ



Илим олтакка илтишим  
 ҳар бир муслим ва  
 муслимга унун қарзу фарз.  
 ХАДИС



МАРТ — АПРЕЛЬ — 1997

Маъсуми:  
 Ўзбекистон  
 Республикаси  
 Франлар  
 академияси

БОШ МУҲАРРИР  
 Мурад ШАРИФХУЖАЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:  
 Абдували АБДУВАХОБОВ  
 Абдумавлон АБДУЛЛАЕВ  
 Жура АБДУЛЛАЕВ  
 Турсун АЗЛАРОВ  
 Аҳмадали АСҚАРОВ  
 (бош муҳаррир уринбосари)  
 Иброҳимжон ИСКАНДАРОВ  
 Наби МАЖИДОВ  
 Ёрмуҳаммад МУБОРАКОВ  
 Муҳаббат ОБИДОВА  
 Уктам ПРАТОВ  
 Уткир РАСУЛОВ  
 Асомиддин РАФИҚОВ  
 Ёлқин ТУРАҚУЛОВ  
 Ҳусниддин УМАРЗОДА  
 (масъул котиб)  
 Комил ХОЛМУҲАММАД  
 (бош муҳаррир уринбосари)  
 Мамажон ЭГАМБЕРДИЕВ  
 Наримон ҲОТАМОВ

БУЛИМ МУҲАРРИРЛАРИ:  
 Оқилхон ОДИЛХОН  
 Саид МУРОД

МУҲАРРИР  
 Рустам БОЙТУРА

МУҚОВАДА

*Ассалому алайкум азиз муштариф!*  
 Ойноманинг қишқу сонига

ВАЛИЕВ А., ҚАҲҲОРОВ М. Жамиятимиз синфийми? .....	1
КУРБАТКИН В., ҚОДИРОВ Б. Жиловланган булут .....	2
МИРЗАЖОНОВ Қ. Тупрокни шамол учирса .....	4
ДОЛИМОВ Т. Олий таълим: муаммо ва истиқболлар .....	6
СИРОЖИДДИНОВ Ш. Навоний ва Мажиддин: ҳақиқат ва уйдирма .....	8
ХОЛМУМИНОВ Ш. Бизда ишсизлик буладими? .....	10
ХОЛЛИЕВ А. Ҳамкорлик баракаси .....	10
БОЗОРОВ О. Тадрижий олам ва даражали тил .....	12
АҲМЕДОВА М. Яратганинг мангу ижодкорлиги .....	14
ПАРДАЕВ Н. Кам сонли халқлар .....	14
Фоиқа СУЛАЙМОН қизи Чулпон акамни хотирлаб .....	18
ТОШЕВ Н. Чингизхон ясоғи .....	20
САРИБОЕВА У. Жинсий ҳаёт сирлари .....	22
ШАМСУТДИНОВ Р. Фаргона қурбошилари .....	24
НАЗАРОВ О. Аср хасталиги .....	26
КАРИМОВ Н. Темурийлар хилхонасининг очилиши .....	28
ОТАЖОН У. Боғи Дилқушо оҳуси .....	30

*саби мақолаларни қиқийсиз*

Муаллифларнинг мулоҳазалари ойнама муҳарририяти ва таҳририятининг нуқтаи назарига қарай вақт ҳам тугри келавермаслиги мумкин.

КЕЛГУСИ СОНДА

Навруз кирди, Навруз билан ризқ-насиба келди. Бу йил мучал буйича Сигир йили ҳисобланади. Сигир йилида мамлакат тинч-осуда, рузгоримиз тукин-сочин, қут-барокатли булади, бу йилда уйланганлар ниҳоятда бахтли-саодатли буладилар, оналаримиз иззатда, фарзандларимиз хизматда бўлишади. Зеро Она қадри — ҳаёт қадридир.

◆ Узбек давлатчилиги тарихидан ◆ Ижод қачон келади ◆ Марсда ҳаёт булган ◆ Аввал иқтисод, кейин... ◆ Хом ашё эмас, тайёр маҳсулот ◆ Чаён «қулоғи» — оёғида ◆ Сехрли касаллик — олов пурқовчи бола ◆ Термосни ким кашф қилган.

Абдувоҳид ТУРАЕВ

# ЖАМИАТИМИЗ СИНФИЙМИ?

## ЖАМИЯТИМИЗ СИНФИЙМИ?

**Бозор иқтисодиётига ўтиш ижтимоий муносабатларни тубдан ўзгартирмоқда. Жамиятнинг ижтимоий-синфий тuzилиши туғрисидаги эски, марксизм-ленинизмга асосланган таълимотдан воз кечилиб, жамият таъриқийётига янгича кўз билан қарамоқда.**

Шу боис ҳозир мамлакатимизда барпо этилаётган, янгича ишлаб чиқариш ва мулкый муносабатларга асосланаётган жамиятимиз яна синфийми ёки синфсизми, унда қандай туб ўзгаришлар юз бераёпти, деган саволлар туғилиши табиий. Бу саволларга жамиятшуносларимиз ҳали тула ва илмий асосда жавоб бера олганларича йўқ. Айрим файласуф ва социологларимиз «синф» тушунчасини ўта эҳтиёткорлик билан, ҳадиксираб, иккиланиб қўлласалар, яна бошқалари ижтимоий табақаланишнинг синфларга бўлишдек эски мезони ўз аҳамиятини тамомла йўқотди, деб ҳисоблайдилар. Бироқ уларнинг аксарияти ҳар қандай ижтимоий тизим таҳлилида объектив ва универсал моҳиятга молик ушбу тушунчани негадир четлаб ўтишга мойил. Нега шундай бўляпти? Ёки жамиятимиз ўз синфий моҳиятини йўқотиб, синфсиз жамиятга айландими? Собиқ синфлар йўқ бўлдимми?

«Синф» тушунчасини рад этиб, уни илмий муомаладан чиқаришга, «табақа», «тоифа» каби номуқобил иборалар билан алмаштиришга уринишлар унинг назарий қиммати йўққа чиққанлигидан эмас, балки жамиятшуносларимиз тафаккуридаги чалкашликлардан шохидлик беради. Ахир маъмурий-бўйруқбозликка асосланган «қизил» салтанатга хос бир синф якка ҳокимлигига, синфийлик тамойилига, синфий ёндошувга чек қўйилгани билан табиий-иқтисодий ҳодиса бўлмиш синфлар ўз-ўзидан барҳам топмайди-ку!?

Илмий таърифга мурожаат этадиган бўлсак, синф — бу энг аввало ишлаб чиқариш воситаларига муносабати, сунгра иқтисодий тизимда тутган мавқеи, ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги иштироки, ижтимоий бойликдан ўз улушини қай усулда ва қай миқдорда олиши билан фарқланувчи кишиларнинг катта гуруҳидир. Бироқ санаб утилган бу «синф ясовчи» аломатларнинг айримлари ўз «қучи»ни йўқотди. Натижада синфларнинг ижтимоий табиати, қиёфаси ўзгарди, замонага монанд янги синф ва қатламлар дунёга келди.

Яқин ўтмишда — шуро тузумида жамиятнинг икки синф ва бир қатламдан иборат («ишчи + деҳқон + зиёли») ижтимоий таркиби биринчи навбатда ва асосан мавжуд мулк шаклларида келиб чиқиб белгиланган бўлса, эндиликда — мулк давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусийлаштирилаётган, мулк шакллари ва ҳужалик юритиш усуллари хилма-хиллиги реал воқеликка айланган шароитда ишлаб чиқариш воситаларига, бошқача айтганда, мулкка муносабат, мулк шакли энг асосий ўрин тутиб янги аломат — меҳнат характери ҳам синф ясовчи белги сифатида шаклланмоқда. Хўш, у ҳолда куп укладли бозор иқтисодиётига ўтиш даврида қай бир синфий аломат ҳал қилувчи аҳамият касб этади?

Машҳур «ижтимоий стратификация», «ижтимоий структуралаш», «ижтимоий ҳаракатчанлик (мобиллик)» назарияларининг асосчилари ҳисобланмиш Э. Гидденс, Н. Ж. Смелзер, П. А. Сорокин, Л. Уорнер,

Б. Барбер, Г. Ленски сингари атоқли жамиятшунослар тадқиқотларида ҳам «синф» тушунчасига кенг ўрин ажратилади ва у, одатда, касб-кор, малақа, меҳнат лаёқати билан, меҳнатнинг ижтимоий-иқтисодий характери билан ҳам боғлиқ тушунча сифатида талқин этилади.

Дарҳақиқат, шахснинг жамият ижтимоий пилла-поясида тутган ўрни мулкый муносабатлар билан бир қаторда у бажараётган меҳнатнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатлари, характери билан бевосита боғлиқдир. Муайян турдаги фаолият билан машғул кишиларни умумий манфаатлар, мақсадлар атрофида жипслаштирадиган, уларда муштарак ижтимоий қиёфани шакллантирадиган нарса ҳам айнан меҳнатнинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятидир. Шу нуқтаи назардан қараганда индустриал меҳнат — ишчиларнинг ақлий, ижодий меҳнат — зиёли ва хизматчиларнинг, бошқарув меҳнати — идора этувчиларнинг, аграр меҳнат — деҳқонларнинг «синф ясовчи» иккинчи аломатидир.

Жамиятимиз ижтимоий—синфий тизилмасига давлат мулкани хусусийлаштириш, иқтисодий фаолият эркинлиги ва хилма-хиллиги, иқтисодий рақобат, даромадларнинг чекланмаслиги каби бозор омиллари таъсирида горизонтал (ички синфий) ва вертикал (синфлар ва гуруҳлараро) ижтимоий ҳаракатчанлик (мобиллик) кучли таъсир курсатяпти. Эътибор бering-а, кечаги мактаб ўқитувчиси — бугун брокер, давлат хизматчиси — савдогар, муҳандис — хусусий корхона эгаси, ишчи — оилавий ҳужалик соҳиби, колхозчи — фермер ва ҳоказо. Минглаб, ун минглаб ишчи, хизматчи, деҳқонлар очиқ ва ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятлари, жамоа, ширкат уюшмалари, агрофирма, ассоциацияларнинг акциядори, пайчиси, шерикликдаги мулкдорига айланыптилар. Айни пайтда бешафқат, бироқ адолатли бозор тамойиллари жамиятнинг бошқа бир қисмини ёлланма меҳнат ва ишсизликка, муқим даромад манбаларидан айрилишга маҳкум этаётгани, аҳолининг кўпроқ шу қатламларида маълум маънода маргиналлашув (гангиш) ҳамда люмпенлашув (тубанлашиш) юз бераётгани ҳам бор гап. «Ўзистикболстат» маълумотларига кура, 1995 йили расман «ишсиз» деб руйхатга олинган кишилар мамлакатимиз меҳнат ресурсларининг 0,4 фоизига тенг бўлди, энг бадавлат ва энг камбағал хонадонлар ўртасидаги тафовут ўртача 6 баробарни ташкил этди.

Иқтисодий танглик, давлат мулки доирасининг кескин торайиши, меҳнатга лаёқатли аҳолини тармоқлараро қайта тақсимлаш оқибатида 1990—1995 йилларда ишда банд меҳнат ресурслари 85 фоиздан 78 фоизга, ишчилар синфининг ижтимоий структурадаги салмоғи эса 45 фоиздан 30 фоизга қисқарди. Ўз навбатида, фермер, ширкатчи, пудратчи, ижарачи, томорқачи ва якка деҳқон қатламлари ҳисобига деҳқонлар синфининг улуши 32,4 фоиздан 43,7 фоизга, нодавлат тармоғида банд аҳолининг умумий салмоғи эса 39 фоиздан 77,9 фоизга усди.

**Навоийшуносликда Алишер Навоий ва Маждиддин Муҳаммад ўртасидagi муносабатлар туғрисида турли-туман гаплар юради. Шу боис манбаар асосида баҳолни кудрат бу масалага ойдинлик киритмоқчимиз.**

## НАВОИЙ ВА МАЖДИДИН

**Х**ондамирнинг тарихий асарларида ёзилишича, Маждиддин Муҳаммад илми нужум ва иншоода моҳир, Султон Ҳусайн Бойқаронинг аксарият аркони давлат ва аёнлари орасида имтиёзга эга киши эди. Бир пайтлар Низомулмулк ва Афзалиддин Муҳаммаднинг чақуви билан Ҳусайн Бойқаро уни мансабидан бушатиб, парвоначи этиб тайинлайди. Давлат ишларидаги иқтидори тўфайли Бойқаро уни бир неча марта вазирликка тайинламоқчи бўлади. Аммо Навоий бунга ҳамиша қаршилик қилади. Чунки, «Равзат ус-сафо»га қара, Маждиддин «бу қадар мақтовга лойиқ феълли ва яхши ишлари билан бирга ўжар ва дағал киши эди. Арзимаган нарсага ғазабланиб, фақш ва дашномга тил очар эди, аркони давлатнинг кунглини ҳамма вақт фақш сузлар билан ранжида қилиб, тилининг ранжи хилофат ошён остонанинг ичкилари ва яқинларига ҳам етар эди». Навоийнинг ўзи ҳушмуомала, андишали одам бўлгани учун ҳаммини ўзидек бўлишини хоҳлар, кўполликка эса тоқати йўқ эди. Бу ҳақда кўп манбалар шохидлик беради. Демак, Маждиддиннинг Навоий билан келишмаслигига, аввало, унинг кўполлиги сабаб бўлган деб ҳисобласак тўғри бўлади. Иккинчидан, Маждиддиннинг давлат харажатларига ажратилган маблағлардан бир қисмини ўзлаштиришига Навоий жиддий тўсқинлик қилган. Албатта, Навоийдан бошқа барча амалдорлар илжи борича подшоҳ хазинасидан кўпроқ умаришга ҳаракат қилишган. «Равзат ус-сафо» асарида келтирилган, Маждиддин, Низомулмулк, Афзал урталаридаги воқеалар бунга ёрқин мисолдир.

Бизнингча, Алишер Маждиддиннинг кейинги айби — юлғичлигини рукач қилиб, ишдан олинишига эришган бўлса керак. Маждиддин ич-ичидан эзилса ҳам Навоийнинг катта нуфузи олдида охиж эди. Шу боис у шoirга кек сақларди. Алишер бор экан, Маждиддин султонга яқинлаша олмас, бунга Низомулмулк ва Афзал Муҳаммадлар ҳам йўл қўймасди. Қолаверса, бу давр (шартли равишда: Алишер Астрободга кетгунга қадар — Ш. С.) Ҳусайн Бойқаро ва Алишер дўстлигининг энг олий нўқтасига етган палла бўлиб, Маждиддиннинг Навоийни султонга иғво қилиши ёки Алишер саройдан узоқлаштирилган тақдирда вазир бўлишга рози бўлиши каби навоийшуносликда учрайдиган қарашлар мантиқан тўғри эмас. Навоий Астрободга кетгач, Низомулмулк ва Афзалнинг султон олдида хазинани тўлдириш муаммосини ҳал этолмаганлиги сабабли Ҳусайн Маждиддинга умид боғлаб, уни бош вазир мансаби билан тақдирлайди. Маждиддин салтанат ишларини яхши олиб боради, подшоҳ хазинасини тўлдиришда ҳеч бир имкониятни қўлдан бой бермас эди. Бу эса султонга маъқул бўлиб, кундан-кунга ишончи зиёда оша бошлади. Табиийки, Маждиддин ҳам, барча сарой аёнлари каби, мол-дунёга ҳирс қўйган одам бўлиб, подшоҳ хазинасини тўлдириш жараёнида ўзи учун ҳам беҳисоб мол-мулк йиғарди.

Амир Алишер Астрободдан қайтгач, амирлик ва давлат ишларини тарк этади. Унинг илтимосига Султон Бойқаро ҳам қаршилик қилмайди. Чунки Астрободдан олдин ҳам Алишер бир неча йил давомида расмий хизматни йиғиштириб қўнган бўлиб, султоннинг фақат маслаҳатчиси сифатида давлат ишларига аралашарди. Бундан кейин ҳам ҳаёт шу тарзда давом этиши мумкин эди. Боз устига, Маждиддиннинг салтанат раванга йўлида жонбозлик курсатиб бажараётган ишлари, фойдали маслаҳатлари Ҳусайн Бойқарони тамоман қониқтирарди. Ҳусайн Бойқаро ва Навоий муносабатлари бу даврда ҳамон бегубор бўлиб, узаро юксак эҳтиром сақланарди.

Маждиддин давлат ишларини кўпинча адолат билан юритар, унинг сиёсати тўфайли амалдорлар халқдан яширин тарзда бирор ботмон галлани олишга журъат этолмасди, бирор-бир ясовул ёки аскарнинг бозор аҳлидан бирортасига қўл кутаришига юраги бетламасди. Хожа Маждиддин ҳар кунни тонгдан пешин номозиғача султон давлати ва девон ишларининг саранжоми билан машғул бўларди, шундан сўнг замонининг уламолари ва фозиллари билан суҳбат қуради. Маждиддин Амир Алишерга нисбатан ҳали ҳам кўнглида губор сақласа-да, энди унга душманлик кўзи билан қарай олмасди, дейишга асос бордек қуринади. Бунга сабаб, биринчидан, султоннинг Алишерни тинч қўйишга қилган қароридан ва Алишернинг ўзи ҳам «узлатга чекиниш»ни хоҳлаётгани тўфайли энди унга ҳеч ким хавф сололмаслигидан хотиржам эди. Иккинчидан, Алишер Астрободдалигида унинг тарафдорларини саройдан четлаштириб, ўз кишиларини барча лавозимларга тайинлаб бўлган, Навоийнинг ҳайрихоҳлари эса Маждид-

диндан кўрқиб, дамини чиқармай қўйишди. Энди Амир Алишер Маждиддинга қарши чиқадиган бўлса мағлуб бўлиши аниқ эди. Алишер Маждиддиннинг ўзига нисбатан олдинги воқеалар учун кек сақлаб юрганини яхши англаб, шу боис у билан ярашиш мўддаосида бўлади.

Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоеъ» асарида шундай келтирилади: «Мавлоно Соҳибдоро ҳикоя қилади: «Бир кунни улуг Амир (Алишер) Мири Калон номи билан машҳур бўлган Хожа Маждиддинни Боғи Жаҳонорода учратиб, деди-лар: «Сизнинг бəҳишдек осмон зийнатли мажлисингиз таърифу тавсифини эшитдик, зарифу фозиллар мавлоно Абулвосе Муншига ҳазил-мутойиба қилишибди. Мавлоно уларнинг қаршисида туриб, ҳаммасини енгибди. Бу ажойиб ва гаройиб ҳодиса. Эсингизда турсак, шундай суҳбатга биз ҳам мушарраф бўлсак». Хожа кўлини кўксига қўйиб, бундай фаҳрдан ҳам мустаҳкам бўлганидан дарак беради, акс ҳолда Маждиддин улуг шoirга катта эътибор бермаган бўлур эди. У зийфатни келаси чоршанба кунни, 1492 йил жумод ус-соний ойининг биринчи кунни (6 март)да ўтказишни мўлжаллаб, Абулвосени маслаҳатга чақиради. Маждиддин зийфатга Амир Алишер келиши, шу боис ўтган сафардагидек ҳазил-мутойибада барча огирликини Абулвосе ўз зиммасига олишига тўғри келишини айтади. Шунда Абулвосе: «Мана анча вақт бўлди, сиз билан Амир Алишер урталарингизда дўстлик ниятлари борасида бир оз губор ва кек кўринди. Алҳамдулиллоҳ, аллоҳ-таолло хоҳиши ила бу губор тарқаладиган бўлади. Бу зийфат, сўзсиз, ҳазил ва латифалар асосига қурилиши керак. Амир Алишер эса ўзини олам сузломларининг пешвоси деб ҳисоблайди. Ҳеч бир имкони йўқки, бу мажлисда мени аския қилмасалар. Мен у кишини мулоҳаза қилиб, қарши жавоб айтмаслигим жуда мушқул. У кишининг но-зикмижоз эканлиги сизга маълум ку! Натихада мен тўфайли ўртадаги ярашиш ва мусаффолик барҳам ейти. Мирзо Султон Ҳусайн эса сизларнинг ярашишларингиз орзусида. Мулоҳаза қилиб кўринг (агар мен ярашишни бузиб қўйсам), ҳазрат хоқоннинг менга нисбатан не муносабати воқеъ булур? Ё мени ҳалок этади ёки газаб палахмонига солиб ўз мамлақати майдонидан улуктирарди» — деди. Маждиддин ўз фикрида туриб олади. Шунинг ўзидан Маждиддиннинг Навоий билан дўстона муносабат урнатилгаша майл қилишининг асосий сабабларини сўзса бўлади.

Улар ўртасидаги дўстона муносабат узоққа чўзилмади. Чунки Ҳусайн Бойқаро ва Навоий муносабатларида пайдо бўлган ўзгариш Маждиддиннинг хатти-ҳаракатлариға ҳам таъсир этади. Навоийшуносликда султон ва Навоий муносабатларининг бузилишига вазирлар сабаб қилиб курсатилди. Бироқ Навоий даври тарихий манбаларини қайта урганиб чиқиб, шунни айтиш мумкинки, султон ҳозирча бизга номаълум сабаблар билан Навоийдан кўнгли совуған ва буни вазирлари ҳам сўзган. Султон шoirдан кўнгли совуганини ҳеч қачон ҳеч кимга, ҳатто ўз ичкиларига ҳам ошкор этмаган. Навоий бунинг сабабини билишга бир неча бор ҳаракат қилган, бироқ натижа бўлмаган. Султон Ҳусайн халқ олдида ва шoirнинг ўзига ҳам ҳамиша олдингидек муносабатда эканини курсатишга ҳаракат қилган бўлса-да, айёр вазирлар унинг қалбидаги огир дардани сезишган. Тахминимизча, бунинг сабабини қўйидаги икки фараз асосида тасаввур қилиш мумкин.

Биринчиси. Султон Яъқуб вафотидан сўнг гарбий чегараларда аҳвол яна мураккаблаша бошлаган, Оққуюнликлар тахтини эгаллаб олган Яъқубнинг хияни Рустамбек Шервоншоҳ Фарруҳ Ясор билан муносабатларини атай буза бошлади. 897 ҳижрий (1492) йили Шайх Ҳайдар улимидан сўнг Яъқуб томонидан қамаб қўйилган шайхнинг уч углини озод этиб, уларнинг эски мулки — Ардабел ҳокимлигини тиклайди ва Ҳайдарнинг катта ўгли Султон Алини шох унвони билан тақдирлайди. Рустамбекнинг мақсади — катта куч бўлган шималари Султон Али қўлида тўллаб, Шервоншоҳ ва бошқаларга таҳдид солиш эди. Фикримизча, султон Навоийни давлат ишларига жалб этиб, огир вазиятларда яна унинг хизматидан фойдаланмоқчи бўл-

ган. Навоий эса узини қатъий четга тортган бўлса керак. Бу эса, уз навбатига, султоннинг ундан хафа бўлишига замин яратган.

Иккинчи сабаб Ҳусайн Бойқаронинг уз шахсий ҳаётига тааллуқли бўлиб, бу ҳақда Навоий севгиси билан боғлиқ мақолада (Навоий кимни севган? «Ёшлик», 1991, 5-сон.) сўз юритганмиз. XV асрнинг охиригун йиллиги оралиғида Султон Ҳусайн Навоий ғанимлари томонидан Алишер ва Ҳадичабегим ораларида бўлиб ўтган муносабатлар ҳақида киши билмас тарзда воқиф этилган. Бу ҳол султон руҳиятига қаттиқ таъсир этган бўлса керак. Яна тақрорлаш жоизки, султон Навоийдан кўнгли совуганлигини (аниқроқ ифодалайдиган бўлса, унинг хафалиги деб аташ маъқул) илож борица атрофдагилардан яширган. Бироқ бу, сезгир Маждиддин назаридан четда қолмади. У гарчи икки дўст орасидаги тушунмовчиликнинг моҳиятини билмаса ҳам, аста-секин султоннинг озурдалигини орттиришга ҳаракат қила бошлади. Навоий салтанат ишидан қанчалик узини тортса, султон шунчалик ундан хафа бўлар, Маждиддин эса унинг мажрўҳ қалбига ҳар хил игволар билан таъсир этиб, улар ўртасидаги муносабатларни янада кескинлаштирар эди. Бу кайфият Маждиддин гумашталарига ҳам юққанлигини қуйидаги воқеадан билса бўлади: «Мавлоно Бадахший ҳикоя қилади: Олижаноб... Мирзо Ҳусайн Бойқаронинг Мирҳожии Пирии баковул деган мулозими бўлар эди. Бир куни тахтиравонда ҳурматли ҳарамдан (саройдан) чиқиб келаятганида Мир Алишер ҳарам дарвозаси остонасига қадам қўяётганида (Мирга) этишгач, : «Маҳдум, бугун сизнинг мулозимларингиз ҳазрат Мирзо ҳузурда ажиб гапларни айтдилар», — деди ва ўтиб кетди. Уша вақтларда подшоҳнинг Мирдан озгина илхос қайтибди, деган мишмишлар тарқалган эди. Шу сабабдан Мир изтиробга тушиб, тахтиравон кетидан югурди ва «Маҳдум, пича тўхта-нг!» — деди. У эса: «Маъзур тутасиз, Мирзо мени бозорликка юборганлар, жуда шошиляпман», — деди. Айтишларича, Мир қарийб йигирма қадамча тахтиравоннинг орқасидан югуриб борган... Мир ҳазратлари Мирзо Ҳусайн билан мулоқот пайтида узлари тахмин қилган гаплардан асар ҳам сезмади. Шоҳ ҳузуридан қайтгач, баъзи яқинлардан сўраса, улар: «Мирзо бугун сизни шундай хотирладиларки, ҳеч мурид пирини бундай ҳурмат билан хотирламаган» — деб жавоб беришди. (Шунда) Амир Алишер тушундики, Мирҳожининг мақсади халққа узини Алишер билан яқин муомалада этиб кўрсатиш экан... Мир бу кинани дилига тугиб қўйди ва бир йил ўтгач, бир куни намоз пайти Мирзо ҳузурига келди. Бу учрашув ҳақида келишилмагани учун Мирзо сўрадилар: «Чехрангизда ташвиш ғубори сезилади, қаердан келаяпсиз?» Мир деди: «Дарвиш Алишоҳ ҳузурига борган эдим. У ёқдан келаятиб, Ферузобод дарвозасига етган пайтида дарвоза ичидан гала-ғовур эшитилди. Сизнинг мулозимларингиздан бўлса керак деб ҳайл қилдик. Бу тўда хўшсураат йигитлар тозинаҳод отларга миниб, келиб қолдиларки, бу шаҳарда бундай гўзал йигитларни ҳеч кўрмаган эдик. Улар ортидан «ҳай-ҳай»лашиб ясовуллар келар, «гаррикуво» деб халқни четга суришиб, йўл очишар эди. Мен ҳам ўзимни бурчакка олиб кузата бошладим. Қимматбаҳо гавҳару ёқутлар билан безатилган тахтиравонда Мир Ҳожии Пир пайдо бўлди... Бағоят хўшқол бўлдик: худого шукрки, бизнинг подшоҳ мулозимлари Кайковус, Афросиёб, Хисраву Парвиз, Баҳром ва улуг султонлар ҳамда эҳтиромли ҳоқонларга муяссар бўлмаган наъшу намода юрибдилар».

Мирзо бу воқеани эшитиб, эзилди ва ҳайрон бўлди... Бир соат ичида Ҳожии Пирнинг хонадони ер билан яқсон этилиб, уни саодат авжидан хорлик тупроғига ташладилар».

Бу воқеа тафсилоти бизга уч нарсани тушуниб олишга ёрдам беради. Биринчидан, Навоийнинг Дарвиш Алишоҳ ҳузуридан келаятгани ҳақидаги гапи бу воқеанинг Маждиддин вазирлик даврида юз берганини аңглатади. Иккинчидан, Мир Ҳожии Пирнинг халқ ичида Навоийга курсатган калондимоғлиги, саройдаги мулозимларнинг асосий кўпчилиги Ҳожии Маждиддиннинг одамлари экани, Алишерга нисбатан душманона кайфиятда бўлганлигини тасдиқлайди. Учинчидан, унда султон ва амир ораларидаги совуқчиликка шаъма қилинганки, Ҳусайн Бойқаро ва Навоий ўртасидаги муносабатларнинг киши билмас совуши худди шу пайтдан, яъни Навоийнинг Астрободдан келгандан сўнг маълум вақт ўтгач (Маждиддиннинг зийфати пайтида, яъни 1492 йилда уларнинг муносабатлари яхши эди. Бунга Абулвосенинг юқоридаги сўзла-

ри далил — Ш. С.), Дарвиш Алининг исёнигача кечган давр оралиғида юз берган. Дарвиш Алининг исён кўтариш режаси Маждиддин зийфатидан бир йил ўтгач содир бўлганини ҳисобга олсак, Ҳусайн Бойқаро ва Алишер муносабатлари биринчи марта худди мана шу бир йил ичида бизга номаълум сабаб билан совий бошлаган.

Навоий бу ҳолатдан ниҳоят изтироб чеккан. Таниқли навоийшунос А. Ҳайитметов томонидан топилиб, «Ўзбек тили ва адабиёти» журналида эълон қилинган Навоийнинг Ҳусайн Бойқарога ёзган бир мактубида шу ҳақда сўз юритилган: «... Мендан ранжиганингиз ё ранжимаганингизни ҳеч ким ўзингиздан яхшироқ билмайди. Мен ўз гуноҳларимга иқромман, аммо билмайман, мен қандай ноҳуя иш қилдимки, сиз ўзингизни мендан тортиб олдингиз...»

Тарихий асарлар, жумладан, «Равзат ус-сафо», «Хулосат ул-ахбор» ва «Ҳабиб ус-сияр»да «совуқчилик» даврида юз берган воқеалар тўғрисида маълумотлар йўқ. Аммо Дарвиш Алининг Ҳусайн Бойқарога муҳолифлик йўлини тутиши воқеаси баёнида Хондамир келтирган маълумотда султоннинг Навоийдан хафалиги ва Маждиддин гуруҳининг тажовузкор бўлганлигига ишора бор: «Уша вақтларда, бир куни амир Дарвиш Алининг хилофлик ҳаракатидан (султон) хотирида малоллик пайдо бўлганидан сўнг, баъзи бир хос кишиларга айтдики, «Ажаб ҳолдирким, амир Дарвиш Али шунча тарбияту иноятимизни қуриб, ноқўрлик йўлини тутибдур ва хилофлик даъвосини қилибдур». Шунда фасод аҳлининг баъзи бирлари амир Дарвиш Алининг ишларида акаси Амир Алишернинг қули бор, дейишганда ҳоқони мансур ҳазратнинг яқин кишиси (Навоий) устидан ҳам уша мажлисда андак шикоят қилди. Шу пайт ул жаноб (Алишер) олий тахт поясига келиб қолиб, бўлиб ўтган гаплардан хабар толгач, бағоят таъсирланди ва хафа бўлди». Хондамирнинг «Амир Алишер бу игводан бағоят таъсирланди» дейишига қараганда, Алишер Маждиддин гуруҳидан бундай ошқора ҳўжумни кўтмаган бўлса керак. Шу жиҳатдан ҳам у жуда асабийлашиб, ҳоқони мансур билан очиқчасига гаплашишга мажбур бўлади. Бунга далил шуки, султон Алишер билан бўлган ораочди сўхбатдан сўнг фармон эълон қилади. Унда Султон Навоийнинг укаси Дарвиш Али баъзи гуноҳлари учун эътироз майдонида тутиб турилгани (исёнга шаъма қилинмоқда) ва буни зинҳор Навоийга таъмирли деб ўйлаш хатолик ва калтабинлик бўлиши ҳамда Амир Алишернинг нафис хотирини осуда тутишларини буюради. Фикримизча, бу игво кўпчилик орасида овоза бўлганга ўхшайди. Шу сабабдан Навоий махсус фармон чиқарилишини сўраган бўлса ажаб эмас. Баъзи олимларнинг тадқиқотларида келтирилишича, Дарвиш Алининг исёни натижасида султон Ҳусайн Бойқаро Маждиддинни дарҳол вазифасидан четлаштиришга мажбур бўлган ва ўрнига Низомулмулк тайинланган ҳамда Алишер Навоий борасидаги юқорида келтирилган игво Маждиддин эмас, Низомулмулк томонидан ташкил қилинган. Дарвиш Алининг хилофлик режаси султоннинг шу муносабат билан чиқарган фармони вақтига қараганда хижрий 898 йил рамазон ойининг йигирма тўртинчи куни, яъни милодий 1493 йилнинг июл ойларида фош бўлган. Маждиддин эса, маълумки, хижрий 899, яъни милодий 1494 йилда мансабидан истеъфо берган.

Хулоса қилиб айтганда, Маждиддин Навоийнинг энг кучли ва асосий рақибларидан бири сифатида фақат 1492-1493 йиллар, яъни Навоий шарафига берилган зийфатдан маълум вақт ўтгач, султон кайфиятида ўзгаришлар пайдо бўла бошлаганидан то Дарвиш Али исёнигача ўтган даврда маълум бири қаршилиқ қила олган. Гарчи у Дарвиш Али исёнидан кейин ҳам бир йилча ўз мансабида фаолият курсатган бўлса-да, исён Ҳусайн Бойқаронинг Навоийга нисбатан ўз фикрини ўзгартаришига ва Маждиддин юзасидан ўзига тегишли хулоса чиқаришига сабаб бўлди. Зеро, Дарвиш Алида исён кўтариш фикри айтиш шу совуқчилик шабадасини сезишдан ва Амир Алишерга нисбатан муросасиз пинҳона курашга ўтган Маждиддиннинг қилмишларига қаршилиқ сифатида юзага келган эди. Бу далилни «Дарвиш Али тахтдан ажраб қолишдан кўрқиб исён кўтарди» дея талқин қилиш мутлақо ноўғридир.

Шухратиддин СИРОЖИДДИНОВ,  
филология фанлари номзоди. УЗФА  
Самарқанд бўлими катта илмий ходими.